

Тошкент давлат шарқшунослик институти
профессори, филология фанлари доктори
Кудратулла Омонов

ТЕМУРИЙЛАР САЛТАНАТИДА ЭСКИ ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИДАГИ ЎРНИ

Ўзбек давлатчилиги тарихининг энг ёрқин саҳифаларидан бири саналмиш соҳибқирон Амир Темур ва темурий султонлар курган буюк салтанатлар Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Кичик Осиё, Олтин Ўрда ва Европани боғлаб турувчи чорраҳада барпо этилган эди. Темурий султонлар Буюк ипак йўли савдосининг энг муҳим кесиши масида, Шарқ ва Ғарбнинг ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасида ўз миллий манфаатига уйғун келадиган мустақил ташқи сиёсатни ишлаб чиқишиган. Боболаримиз ўз элчилари ва ташқи сиёсати орқали ана шу манфаатни доимо ёқлаб чиқишига интилган.

Ўша қадим ўтмишда содир бўлган давлатлар орасидаги сиёсий ва ўзаро қўшничилик муносабатларининг изларини ёзма манбаларда ҳамда турли дипломатик расмий матнларда кўриш мумкин. Муҳими, ушбу дипломатик ёзмалар кунимизга қадар асл ҳолда сақланиб қолган.

Темурийлар давридан қолган дипломатик хужжатларни кимга, нима мақсадда юборилгани, ижтимоий-сиёсий даражаси, мазмун-моҳияти, қўлланилиш доираси сингари белгилари билан фарқланиб туради. Ана шуларни кўзда тутиб, дипломатик матнларни қуидаги гуруҳларга ажратишимиш мумкин:

1. Темурий султонларнинг ўша давр ҳукмдорларига йўллаган дипломатик мактублари.
2. Темурийларнинг ўзларига қарам-вассал ҳукмдорларга жўнатган ёрлик-мактублари.
3. Мамлакат тахтига янги хоқон ўтирганлигини билдириш мақсадида қўшни давлатларга йўлланган билдиргулик хатлари.
4. Элчи ва савдогарларнинг хавфсизлигини таъмин этувчи хужжатлар.
5. Халқаро келишув битимлари.
6. Сиёсий можороларни тинч йўл билан ҳал этиш имкони қолмаганда, ҳукмдор ўз қўшини билан жангта отланганда улкан маҳорабалар олдидан сафар чоғида ёзиб қолдириладиган хотира битиглари. Одатда бунинг сингари матнлар қоя ва тошларда битилган бўлади. Шунинг учун ушбу матнларни дипломатик хужжатларнинг эпиграфик тури сифатида талқин этиш мумкин.

7. Урушда ғалаба қозонилганлик муносабати билан ёзилган – зафар ёрликлари ҳамда фатҳномалар.

Юқорида қайд этилган гурухларга мансуб дипломатик ҳужжатларнинг катта бўлаги эски ўзбек тилида битилгани ниҳоятда муҳим.

Бунинг исботи сифатида Соҳибқирон Темурбегнинг Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамиш билан олиб борилган дипломатик музокаралари боши берк кўчага кириб қолгандан сўнг унга қарши юришга отланади. 1391 йили апрель ойида ҳозирги Қозоғистоннинг Улуғ тоғ мавзеига етгандан кейин хотира битигтоши ёздирган.

Султоннинг номидан ёзилган ёзма 11 қатордан иборат 3 сатри араб тилида басмала ва яратганнинг каломи қолган саккиз қатори туркий хати билан эски ўзбек тилда битилган. У шундай ўқилади:

1. Tarix yeti yüz toqsan üctä, qoу
2. yıl yaznij ara ayi Turannij sultani
3. Temürbeg üç yüz miy čerig bilä isläm üçün Toxtamış xanii (bulyar?)
4. xaniga yoridii. Bu yergä yetip belgü bolsun tep
5. bu tobani qopardii.
6. Tänri nisfat bergäy inşalla.
7. Tänri el kişigä rahmat qılğay, bizni duā bilä
8. yâd qılğay.

Ёки ўша даврлардан асл ҳолда етиб келган Темурбекнинг иккинчи ўғли Мироншоҳ Мирзо авлодидан Абу Саид Мирзонинг оқ қуюнлилар ҳукмдори Узун Ҳасанга йўллаган мактуб ёрлиғи ҳам эски ўзбек тилида битилган муҳим дипломатик ёзишмалардан бири саналади. У Истанбул, Тўпқопи саройи музейи архивида (E 12307 сонли васиқа) сақланмоқда. Матн икки хил ёзувда. Бошлаб, эски туркий ёзувида битилиб, ҳар қатори араб хатида очиқланган. Матн бир-бирига елимлаб чиқилган уч бўлак оқ қалин қофозга битилган бўлиб, унинг узунлиги 1 м. 44 см., эни 27 см. Расмий ёзмада 76 қатор ўрин олган. Ҳужжат яхши сақланган.

Ҳужжат сўнггида 71–74 қаторлар ўртасида 8.5 x 8.5 ўлчамдаги хоннинг олтин тамғаси босилган. Тўртбўрчак кўринишга эга муҳрнинг юқорисида *Bismi-l-lahi-r-rahmani-r-rahim* (Мехрибон раҳимли Аллоҳнинг оти билан бошлайман) жумласи ўнг томонида *La ilaha illa-l-lahu* (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ), сўл томонида *Muhammadu-r-rasul-ul-lahi* (Мухаммад Аллоҳнинг элчиси) калимаси ва ост томонда *al-Hasan va-l-Husayin* оти ёзилган. Муҳрнинг тўрт бурчагида тўрт халифанинг - *Abubakir, Umar, Usmān* ва *A'li* исмлари битилгандир. Муҳр ўртасида *as-sultani-l-a'zam va-l-xaqani-l-akram muğisi-l-haq va-d-din sultan Abu Said Körägän halida-l-lahu mulkahu va sultanahu* (Адолат

ва диннинг қўриқчиси буюк султон ва кароматли хоқон султон Абу Сайд Кўрагон. Аллоҳ унинг мулки ва салтанатини юксалтиурсин). *Sičqan yili rabi'u-l-avval ayinij yigirmi ikisidä Miyanada erkändä bitildi.*

Ёрлик Тўпқопи саройига қачон келтирилгани қоронғу. Турк тарихчиларининг текширишича, 1473 йили султон Мөхмеднинг Узун Ҳасан устидан қозонган зафаридан сўнг олинган ўлжалар ичида ушбу битиг ҳам бўлган.

Ёрлиқнинг 75-76- қаторларида тарих келтирилган. Мактуб сичқон йили (хижрий 873 йил) Рабиул-аввал ойининг йигирма иккисида Озарбайжоннинг Миёна шаҳрида битилган (*Sičqan yili Rabi'u-l-avval ayinij yigirmi ikisidä Miyānada erkändä bitildi*). Бу сана мелодий 1468 йилнинг 10 октябрига тўғри келади.

Энди ҳар иккала битиг фотосига дикқат қилинса, уларда айрим сўз ва бирликлар бошқа сўзлардан ажратиб ёзилган. Чунончи, Темурбекнинг хотира битигида 3, 6 ва 7- қатордаги хоннинг оти (*Temürbeg*), тангрининг исми (*Täjri*) янги қатор бошидандан ҳамда бошқа сатрлардан бир оз олдинга чиқарилиб ёзилган.

Ёки Абусаиднинг мактубининг 3, 13, 19, 28, 38, 47, 49, 51, 61, 63, 71- қаторларида *Täjri* сўзи сатр ичидан ажратиб олиб, унинг бош қисмига ўтказиб ёзилган. У айни қатордаги *ināyatī* сўзига боғлиқ бўлиб, ҳар гал унинг билан бирга ўқиласди.

Матнда Абу Сайдга тегишли кишиларнинг (ота-боболарининг) отлари ҳам ажратиб берилган. Чунончи, 4, 24, 69- сатрларда *Temür beg*, 6, 7, 11, 12, 13, 15- сатрларда *Beg* сўзи, шунингдек, 27- қаторда *Mirānšāh Mirzā* сўзи, аввалги қатор тўлмаса ҳам, янги қаторга олиб ёзилган. Бу ҳам ўша замон хужжатчилигига русум бўлган ўзига яраша бир этикетдир. Бошқа хужжатларда ҳам бунинг сингари ҳолатлар учраб туради.

Бизга бу масалани ойдинлаштиришда XV асрнинг довруғли тарихчи ва дипломати Абдуразоқ Самарқандий маълумотлари ёрдам беради. У ўзининг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида Шоҳруҳ қошига хитойдан келган элчилар тўғрисида хабар бера туриб, дипломатик мактубнинг тузилиши билан боғлиқ қимматли далилни келтирган. У ёзади: “Хитойликларнинг услуби шундайки, улар мактубда подшоҳнинг номини сатр бошидан ёзадилар ва (қолган) сатрларни ундан бир миқдор пастдан бошлайдилар. Мактуб асносида ҳар ердаки худойи таолонинг номи (тилга олинган жой)га етган бўлса, шу етган жойларида (сатрни бўш) қолдирадилар ва оллоҳи таолонинг номини янги сатр бошидан ёзадилар. Агар подшоҳнинг зикри тилга олинса ҳам шу тариқа иш

тутадилар”. Бу ўринда Абдураззоқ Самарқандий дипломатик ёзма расмийлаштиришнинг бунингдек услубни хитойча дея эътироф этмоқда.

Демак, темурийлар даврида эски ўзбек тилида битилган хужжатлардаги бу усулни Марказий Осиё халқлари тарихида узоқ давом этган дипломатик ва тарихий-маданий муносабатлар таъсирида юзага келган дейиш мумкин.

Шу ўринда Абдураззоқ Самарқандий қўшни давлатлардан темурийлар саройига келган ёзмаларнинг тили тўғрисида ҳам муҳим маълумотни келтиради: “У (хитойлик)лар уфқлар султони (хоқони саид - Шоҳруҳ) қошига ҳар гал келтирган мактублари уч мактубдан иборат бўлиб, ҳар бир мактуб уч хил хат: бири ана шу нусха ёзилган машхур хат билан форсий иборатда, иккинчиси (аслида) уйғур хати бўлмиш мўғул хати билан турк тилида ва учинчиси хитой хати билан хитойликлар тилида ёзилган эди; ҳар учала хатнинг мазмуни бир. Яна бир мактуб юборилган бўлиб, овчи қўшлардан, тўққизтўққизлардан ва ҳадялардан нимаики юборган бўлсалар, у мактубда муфассал қайд қилинган эди; бу мактуб ҳам юқоридагидек уч тилда ва уч турли хат билан ёзилган. Шунингдек, бамисоли йўл хатидек яна бир мактуб ҳам шу тариқа ҳар уч тилда уч хил хат билан битилган. Мазкур факт дипломатик ёзмаларнинг тили тўғрисидаги қарашларга ойдинлик киритади.

Дипломатик ёзишманинг эски ўзбек тилида экани айрича эътиборга молик. Бу, ўз навбатида, Темур ва темурийлар салтанатида эски ўзбек адабий тилининг хуқуқий мақомини аниқлашда ва унинг жаҳон сиёсий саҳнасидаги ўрнини белгилашда ўта муҳим далил бўла олади. XIV-XVI юзийилликларда эски ўзбек адабий тилининг Маворауннаҳр ва Хуросондагина эмас, бошқа туркий элларда ҳам давлат тили вазифасида амал қиласа. Олтин Ўрда давлати, Крим хонлиги, Усмонли салтанатининг девон-маҳкама идораларида битилган фармон ва буйруқлар, дипломатик ёзишмалар, фатхномалар эски ўзбек адабий тилида ёки бўлмаса, айни адабий тил анъаналари таъсирида битилган. Уларнинг услуби ва ички қуруми темурийлар даврида яратилган расмий битиглар услубида. Ушбу далиллар эски ўзбек адабий тилининг мавқеи ва унинг халқаро дипломатик муносабатлардаги ўрнини кўрсатади.

Темурийлар давридан қолган дипломатик хужжатларнинг мамлакат хукмдори номидан эски ўзбек адабий тилида битилганлиги муҳим. Ушбу хужжатларнинг мавжудлиги Темур ва темурийлар салтанатида эски ўзбек адабий тилининг хуқуқий мақоми давлат тили даражасида эканлигини тасдиқлайди.